

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРОБОВА ҲУЛҚАР РУСТАМОВНА

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 й.

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Туробова Ҳулкар Рустамовна

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда кооперация муносабатларини
такомиллаштириш моделлари ва механизмлари.....3

Туробова Ҳулкар Рустамовна

Модели и механизмы совершенствования кооперативных отношений в
развития фермерских хозяйств.....25

Turobova Hulkar Rustamovna

Models and mechanisms for improving cooperative relations in the development of
farms.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published orks.....51

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРОБОВА ҲУЛҚАР РУСТАМОВНА

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

08.00.04-Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.Ph.D/Iqt466-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Бухоро давлат университетида бажарилган.

Докторлик диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муртазаев Олим

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қодиров Абдурашид Мажидович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Асқаров Назимжон Ниёзович

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетиининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39- уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви шароитида субъектларнинг ўзаро манфаатдорлиги, рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган хўжалик юритишнинг мақбул механизмларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан саналади. Шу боис, ишлаб чиқаришда юзага келадиган салбий таъсирларни кооперация муносабатларини такомиллаштириш асносида зарарсизлантириш имкониятларидан кенг фойдаланиш тобора кўпроқ кузатилмоқда. Антропоген омилларнинг салбий таъсири натижасида кузатилаётган экологик инқирозлар, иқлим ўзгариши, пандемия шароитида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг кучайиши даврида кооперация замонавий иқтисодий тизимнинг самарали қисми сифатида намоён бўлмоқда. Зеро, кооперативларга бирлашиш орқали ҳамкорликдаги манфаатларга эришиш ғоя ва амалиёти Юнесконинг номоддий маданият рўйхатига киритилиши ҳам бежиз эмас.

Жаҳон амалиётида кооперация муносабатларининг самарали тизим сифатида ўз исботини топганлиги боис, унинг турли моделлари ва механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Чунки, кооперативларнинг иқтисодиётни ривожланган секторларида конструктив рол ўйнаши, глобал миқёсда кўп миқдордаги инсонларга фойда келтириши зарур бўлган инновацияларни юзага чиқаришлари мумкинлиги инобатга олинса, ушбу ғояни янада ривожлантириш соҳани рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Шу боис, иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорликка эришишда бизнеснинг энг мақбул модели сифатида кооперация муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган кенг тармоқли ислохотлар амалга оширилди. Аммо, "... ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, сарф-харажатларни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш, кооперацион алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш"¹ бугунги кунда ҳам соҳанинг долзарб масалаларидан бири сифатида сақланиб қолмоқда. Шу боис, фермер хўжаликларидан кооперация муносабатларининг замонавий моделлари ва механизмларини такомиллаштириш йўналишида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" тўғрисидаги, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа

¹ "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5199-сон. 2017 йил 9 октябрь.

ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уни тайёр ҳолда истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кооперация муносабатларининг аҳамияти ва унинг натижаларини оқилона амалга ошириш масалалари билан бир қатор мамлакатимиз ва хориж олимлари илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Хорижлик олимлардан Ш.Ш.Жид, А.Ф.Лейдлоу, P.Vitaliano, M.L.Cook, J.S Royer², ҳамдўстлик мамлакатлари олимларидан К.И.Вахитов, Н.Г.Володина, Р.Родригеш, А.В.Ткач, М.И.Туган-Бароновский³лар шулар жумласидандир. Мамлакатимиз олимларидан Қ.А.Чориев, О.Муртазоев, Т.Ҳ.Фармонов, Н.Хушматов, А.М.Қодиров, Ф.Назарова, Р.Ҳакимов, И.Б.Рустамова, А.Ж.Абдуллоев, Ш.М.Муродов ва Ф.У.Абдиназарова⁴ларнинг илмий ишларида ҳам тадқиқ қилинган.

² Жид Ш. Творцы кооперации. Сб. – М.: 1991. – С. 115-116; Лейдлоу А.Ф. Кооперативы в 2000 году // XXVII конгресс; Vitaliano P. Cooperative enterprise: an alternative conceptual basis for analyzing a complex institution. 1983. Цит. по: [22. P. 385.]. Cook M.L (1995). The future of U.S. agricultural cooperatives: A neoinstitutional approach. American Journal of Agricultural Economics 77(5):11531159. Royer J.S (1999). Cooperative organizational strategies:A neo-institutional digest.Journal of Cooperatives 14: 44-67.

³ Вахитов.К.И. Кооперация: теория, история, практика. – М.: 2006. – 30 с.; Володина Н.Г. Формирование и развитие организационных моделей сельскохозяйственной кооперации. авт. ... дисс. д.э.н. М.: 2010. Ст.43. Родригеш Р. Российская кооперация. – М.: 1999. – 56 с.; Ткач А.В. Сельскохозяйственная кооперация // Учеб.пособие. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2005, – 363 с.; Туган-Барановский М.И. Социальные основы кооперации. – М.: 1989. – 76 с.

⁴ Чориев К.А. Пахта ва дон етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари таъсисчилигида қишлоқ хўжалик кооперативи ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар. – Т., 2011. 34 б.; Фармонов Т.Ҳ. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари. «Янги аср авлоди». – Т.: 2004. – 143 б.; Хушматов Н.С. Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. «Янги аср авлоди». – Т.: 2004. – 122 б.; Қодиров А.М. Повышение устойчивости развития национальной экономики в условиях мирового финансово-экономического кризиса. Конференция материаллари. – Т.: 2010. – Б. 14-17; Назарова Ф. Қишлоқ хўжалигини инвестициялаш тизими ва уни такомиллаштиришнинг иқтисодий механизмлари. Ўзбекистонда аграр иқтисодий ислохотлар: эришилган ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари. Анжуман тўплами. – Т.: 2006. – Б. 105-119; И.Б.Рустамова. Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари. авт. ... дисс. и.ф.д. – Т.: 2020; Ҳакимов Р. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2012. – Б. 267; Абдуллоев А.Ж. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари: авт. ...дисс. и.ф.н. – Т.: 2019. – 52 б.; Муродов Ш.М. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш: авт. дисс...и.ф.н. – Т.: 2020. -51 б; Абдиназарова Ф.У. Ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришни услубий жиҳатлари//“Бизнес-Эксперт” , №7, 2015 й, 35-38 бет.

Шу билан бирга қайд этилган илмий ишларда фермерликни устувор ривожлантиришда кооперациявий муносабатларнинг роли ва моҳияти тўлиқ очиб берилмаган ёки мавзу яхлит ҳолда тадқиқ қилинмаган.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятида кооперациявий муносабатларни такомиллаштиришнинг зарурлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди ва мазкур мавзунинг мустақил диссертация тадқиқоти объекти сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро Давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923100-“Минтақани комплекс ривожлантиришда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўллари” (2018-2020 йй.) ва ОТ-АҚХ-2018-22-“Чорвачиликнинг озуқа базасини ривожлантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш (Бухоро вилояти микёсида)” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг моделлари ва механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини шакллантириш ва уларни ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этиш;

кооперация муносабатларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида кооперация шакл ва муносабатларининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-молиявий натижаларини ташкилий омилларга боғлиқлигини аниқлаш ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларини кооперация асосида ривожлантириш бўйича хориж тажрибаларини тадқиқ этиш ва аҳамиятга молик жиҳатларини республика иқтисодиётига қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

пахтачилик хўжаликларида экин майдонларидан кооперация асосида самарали фойдаланиш бўйича кооператив моделини ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликларида пахта-тўқимачилик кооперациясининг ташкилий-иқтисодий механизмларини баҳолаш;

фермер хўжаликлари ва туризм соҳаси корхоналари ўртасидаги агротуризм бирлашмасини ташкил этиш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизмларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фермер хўжаликлари, улар иштирокида ташкил этилган кооперативлар, бирлашмалар фаолияти танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини такомиллаштириш жараёнида юзага чиқадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида илмий мушоҳада, иқтисодий-математик моделлаштириш, эконометрик тадқиқот, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш, сўровнома, қиёсий таҳлил, иқтисодий таҳлил ва синтез, тизимли ва мантиқий ёндошув усулларидан фойдаланилган.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги кооперативларида синергетик самарадорликни баҳолаш бўйича услубий ёндашув “ҳаражатларни тежаш”, “қўшилган қиймат ва фойдани ўсиш даражалари” каби кўрсаткичларнинг мақбул чегаравий қийматларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

пахтачилик фермер хўжалиklarининг ихтиёрий ҳамкорлиги асосида қишлоқ хўжалиги экинлари мақбул жойлаштирилган, юқори манфаатдорлик, самара ва фойда тақсимотига асосланган ишлаб чиқариш кооперативларининг намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган ва фаолиятининг самарадорлиги асосланган;

кўп тармоқли фермер хўжалиklarида кооперация асосида агротуризм бирлашмаларини ташкил этиш асосланган ҳамда бирлашманинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари таклиф этилган;

фермер хўжалиklarини қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперация муносабатларига асосланган ҳамкорлик фаолиятлари ва агротуризмни ривожлантиришнинг 2022-2030 йилларга мўлжалланган истиқболли прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хорижий давлатларда кооперация муносабатлари бўйича йиғилган тажрибаларни янгича иқтисодий реалликдан келиб чиқиб, мамлакатимизда жорий этишни самарали моделлари ишлаб чиқилган;

ҳосилдорлиги ва рентабеллиги паст пахтачилик хўжалиklarида экин майдонларидан ўзаро кооперация асосида фойдаланишнинг ташкилий, иқтисодий ва молиявий механизмлари, экин майдонларидан оптимал фойдаланиш моделлари ишлаб чиқилган;

агротуризм хизматларини кооперация асосида табақалаштирилган ҳолда ташкил этиш моделлари ҳамда агротуризмни ривожлантириш бўйича дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, www.agritourism.uz сайти яратилган.

агротуризм бирлашмасини ташкил этишнинг ташкилий, иқтисодий ва молиялаштириш механизмлари ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалиги кооперативларининг синергетик самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, таниқли иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил қилиш, хориж тажрибаларини умумлаштириш, монографик тадқиқотлар ва сўровномалар ўтказиш бўйича олинган натижаларга таянилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси ҳамда фермер хўжалиklarидан олинган маълумотлар таҳлилларига асосланганлиги билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжаликларида кооперация муносабатларининг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, келажакда мазкур йўналишни кенг кўламда тизимли ва изчил ривожлантириш муаммоларини чуқур ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот ишларида фойдаланиш билан белгиланади.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти, фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва кооперация муносабатларини ташкил этишга бағишланган давлатнинг мақсадли дастурлари, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан “Агросаноат мажмуи иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Фермер хўжаликлари иқтисодиёти”, “Қорхона иқтисодиёти”, “Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг синергетик самарадорлигини баҳолаш бўйича таклиф этилган услубий ёндашув “Агробизнесни ташкил этиш ва бошқариш” ўқув қўлланмасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 237-сон буйруғи, рўйхатга олиш рақами 237-753). Натижада, талабаларнинг қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва улар фаолиятининг синергетик самарадорлигини баҳолаш бўйича назарий билимларини ривожлантиришга имкон яратган;

пахтачилик фермер хўжалиklarининг ихтиёрий ҳамкорлиги асосида қишлоқ хўжалиги экинлари мақбул жойлаштирилган, юқори манфаатдорлик, самара ва фойда тақсимотига асосланган ишлаб чиқариш кооперативларини ташкил этиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 01 июлдаги 02/034-1969-сон маълумотномаси). Натижада, экин майдонларини мақбул жойлаштириш эвазига гектаридан олинган фойда миқдорини 3,8-9 бароварга ошириш имконияти яратилган;

кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятида кооперация асосида агротуризм шохобчаларини ташкил этиш орқали янги иш жойи, замонавий ижтимоий инфратузилма ва барқарор қўшимча даромад яратиш бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 01 июлдаги 02/034-1969-сон ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 майдаги 02-22/3870-сон маълумотномалари). Натижада, агротуризмни ривожлантириш бўйича лойиҳа ва дастурларни ташкил этиш

орқали вилоят иқтисодиётига 1 кунда 2-5 млрд.сўм, хўжаликлар ҳисобига эса бир йилда 25-125 млн.сўмгача қўшимча фойда олиш мумкинлиги асосланган;

фермер хўжалиқларини қишлоқ хўжалиги соҳасида кооперация муносабатларига асосланган ҳамкорлик фаолиятлари ва агротуризмни ривожлантиришнинг 2022-2030 йилларга мўлжалланган истиқболли прогнози Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тизим ташкилотлари томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 20 майдаги 02-22/3870-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ҳажмини 1,28 мартага оширилиши туристик хизматлар ҳажмини 1,25 баробарга ошишига олиб келиши башорат қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича бешта халқаро ва олти республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари 60 га яқин илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 22 та илмий мақола, шундан 17 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 142 бетни ташкил этиб, унда 13 та жадвал, 16 та расм ва 26 та иловалар келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, унинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари, тадқиқот илмий янгилиги, амалий натижаларининг аҳамияти ва амалиётга жорий қилиниши баён қилинган, чоп этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодийни модернизациялаш даврида қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини иқтисодий-ижтимоий моҳияти, ўрни, ўзига хос хусусиятлари ҳамда уни ривожлантириш зарурятининг назарий, услубий ва ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган.

Маълумки, аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бу – «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш»-«тайёрлаш, сақлаш ва ташиш»-«қайта ишлаш»-«сотиш» бўғинлари доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатининг бузилиши ва нобудгарчилигини олдини олиш йўллари кидириб топиш орқали кўшилган қиймат занжирини яратиш имкониятларини кенгайтиришдир. Бу агросаноат мажмуаси иштирокчилари ўртасидаги ўзаро кооперация муносабатларини самарали ташкил этиш жараёни билан бевосита боғлиқдир.

Кооперация муносабатларини ривожлантириш, кооперативлар фаолиятини ўрганиш ва уни самарали амалий тажрибаларини иқтисодиётнинг турли соҳаларига ва тармоқларига қўллаш кўпгина олимлар ва мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари объектини ташкил этган. Ушбу тадқиқотларда кооперация – аниқ бир мақсад йўлида, ихтиёрийлик асосида, маълум бир ресурсларни бир жойга тўплаш, ўзини ўзи бошқариши ва молиялаштириши, ўзаро ҳамкорликка ва ўзаро манфаатга асосланган, пировард натижада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадига қаратилган иқтисодий тизим сифатида қаратилганлиги таъкидлаб ўтилади.

Кооперацион тузилмаларнинг самарадорлиги ва ривожланиш даражасини баҳолаш бўйича илмий ёндашувлар таҳлили хўжалик юритувчи субъектларнинг интеграциялашув натижасида келиб чиқадиган синергетик самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади. Кооперациянинг синергетик самараси корхона томонидан янги корхоналарни қўшилиши натижасида ҳосил бўлган қўшимча иқтисодий самарани (ёки салбий натижани) олиш, деб ҳисоблаш мумкин.

Кооперация ҳамда корпорациялар синергетик самарадорлигининг методологик асосларини тадқиқ этиш асосида, бизнингча, қишлоқ хўжалигида кооператив муносабатларни ташкил этиш натижасида ҳосил бўладиган синергетик самарадорликни аниқлашда иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик самарани қўшиб ҳисоблаш, мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик. Бу қуйидаги формулада ўз аксини топган.

$$KSS=f(I_s, I_{js}, E_s) \quad (1)$$

KSS – кооперациянинг синергетик самарадорлиги.

I_s – иқтисодий самара, I_{js} – ижтимоий самара, E_s – экологик самара.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ижтимоий ва экологик самарани ҳам сифат ҳам миқдорий кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Масалан, кооперациялашув натижасида кооперативда янги бир нафар иш ўрнини яратилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириш билан бирга ишсизликни камайиши ва аҳоли даромадига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга бу ҳолат жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига ҳам ижобий таъсирга эга, лекин бу самарани ўлчови йўқ. Ёки, кооперациялашув натижасида экин майдонлари шўрланиш даражасининг пасайиши, ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда кейинги авлодга қолдириладиган тупроқ структураси яхшиланган ер майдонларини кўпайишига асос бўлади ва бу самарани миқдорий кўрсаткичлар билан ифодалаб бўлмайди. Биз таклиф этаётган қишлоқ хўжалиги кооперациясининг синергетик самарадорлиги формуласи ҳам миқдор ҳам сифат кўринишидаги самарадорлик кўрсаткичларни қамраб олади. Шунингдек, кооперативда синергетик самарадорликни баҳолашда харажатларнинг тежалиши, қўшилган қийматни ўсиши, фойдани ўсиши каби кўрсаткичлар асосий мезон сифатида олиниши мақсадга мувофиқ.

1. Кооперативда синергетик самарадорликни баҳолашда биринчи навбатда харажатларнинг тежалиши инobatга олинади. Харажатларни тежаш коэффи-

циенти бу – фермер хўжаликлари кооперация муносабатига киришган-дан кейин харажатлар қай даражада тежалганини коэффициентда ёки фоизларда ифодалайди.

$$ХТк = \frac{X_a - X_k}{X_a} \quad (2)$$

Бунда, $ХТк$ – кооперативда харажатларни тежалиш коэффициенти;

X_a – алоҳида фаолият юритгандаги харажатлари ҳажми;

X_k – кооперативга бирлашгандаги харажатлар ҳажми.

1-жадвал.

Кооперацияда синергетик самарадорликни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари⁵

Т/р	Мазмуни	Белгиланиши	Моҳияти
1	Харажатларни тежаш коэффициенти	$ХТк = \frac{X_a - X_k}{X_a}$	Кооперацияда харажатларни тежалиши даражасини англатади. Коэффициент $0 \leq 0,5 \leq 1$ оралиғида бўлса, самарали натижага эришилган ҳисобланади.
2	Қўшилган қийматни ўсиш даражаси	$QQd = \frac{QQk - QQa}{QQa}$	Кооперацияда қўшилган қиймат яратилишини ўсишини даражасини билдиради. Коэффициент $0 \leq 0,5 \leq 1$ оралиғида бўлса, самарали натижага эришилган ҳисобланади.
3	Фойдани ўсиш даражаси	$FO'd = \frac{FO'k - FO'a}{FO'a}$	Кооперацияда фойда миқдорини ўсиши даражасини ифодалайди. Коэффициент $0 \leq 0,5 \leq 1$ оралиғида бўлса, самарали натижага эришилган ҳисобланади.

2. Кооперация муносабатига киришдан яна бир мақсад қўшилган қиймат яратиш ҳисобланади. Кооперативда қўшилган қийматнинг ўсиш даражасини ҳам аниқлаш муҳим ҳисобланади ва уни қуйидагича топиш мумкин:

$$QQd = \frac{QQk - QQa}{QQa} \quad (3)$$

QQd – қўшилган қийматнинг ўсиш даражаси;

QQk – кооперативга бирлашгандан кейинги эришилган қўшилган қиймат миқдори;

QQa – алоҳида фаолият юритгандаги қўшилган қиймат миқдори.

3. Қишлоқ хўжалиги кооперативида фойданинг ўсиш даражасини аниқлаш ҳам муҳим кўрсаткичлардан биридир.

$$FO'd = \frac{FO'k - FO'a}{FO'a} \quad (4)$$

$FO'd$ – фойдани ўсиш даражаси;

$FO'k$ – кооперативга бирлашгандаги фойда миқдори;

$FO'a$ – алоҳида фаолият юритгандаги фойда миқдори.

Фикримизча, синергетик самарадорлик кооперация муносабатлари амал қилиш шароитида бошқарув харажатларини сезиларли даражада камайтириш-

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

га, инновацияларни жорий этиш жараёнини тезлаштиришга, ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштиришга ва сотишни кўпайтиришга имкон беради.

Диссертация ишининг **“Фермер хўжаликлари ўртасидаги кооперация муносабатларини шаклланиши ва ривожланишининг ҳозирги ҳолати”** номли иккинчи бобида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперация муносабатларининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари баҳоланган ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш имкониятлари асосланган.

Республикада қайта ишловчи корхоналар билан фермер хўжаликларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш орқали пахта хом ашёсини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоқ жойларда енгил саноат тармоғини янада ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига кўшимча қиймат яратиш, тайёр экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилди. 2019 йилдан бошлаб ҳукумат қарорларини ижросини таъминлаш ҳамда вилоятнинг Когон туманида кластер усулида пахта етиштиришни ривожлантириш мақсадида “Bahor Chance Textile” МЧЖга туман ҳокимининг заҳира ерлари ҳисобидан жами 2370,2 гектар, шундан 1933,77 гектар экин ери, 12,6 гектар мевазор, 2,2 гектар узумзор ва 412,63 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратилди. Корхона Когон туманидаги 15 та фермер хўжалиги билан жами 921,6 тонна пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномасини тузган. Ушбу фермер хўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 27,7 ц/га ни ташкил қилмоқда. Жами 331,5 гектар майдонидан жами 921,6 тонна пахта хом ашёси етиштириш режалаштирилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, сўнгги йилларда вилоятда сурункали равишда пахта экилиши, алмашлаб экишни йўлга қўйилмаслиги натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, экинлар ҳосилдорлигининг пасайиш тенденцияси сақланиб қолмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, диссертацияда экин майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш имкониятини яратишга қаратилган алмашлаб экишнинг оптимал вариантлари тавсия этилган.

Ушбу вазифани ҳал қилишда n ўлчовли чизиқли программалаштириш масаласини ечиш талаб қилинади. $n > 2$ бўлганлиги учун чизиқли дастурлаштириш масалаларини ечишнинг умумий усули бўлган симплекс усулидан фойдаланилди. Бу усул чекланиш шартлари тенгламалар системаси шаклида берилган чизиқли дастурлаш масалаларини ечиш учун қўлланилади.

$$\sum_{j=1}^n c_j x_j \quad (5)^6$$

Функциянинг чекланиш тенгламалари системаси

$$\sum_{j=1}^n a_j x_j = b_j \quad (6)^7$$

⁶ Аҳмедов К., Мирзаева М. Иқтисодий математик моделлаштириш. – Т.: 2004. 33-44 бетлар.

⁷ Аҳмедов К., Мирзаева М. Иқтисодий математик моделлаштириш. – Т.: 2004. 33-44 бетлар.

$x \geq 0$, $i=1, m$ ни қаноатлантирадиган максимумни симплекс усули билан топамиз.

Монографик тадқиқотлар олиб борилган Когон туманидаги фермер хўжаликларидида юқорида қайд этилган ҳажмдаги маҳсулотларни етиштириш учун бир гектарга қилинган харажатлар ҳисобга олиниб, тадқиқот давомида тажриба сифатида симплекс жадвал методи орқали бир неча йиллар ва хўжаликлар мисолида тадқиқотлар амалга оширилди. Тадқиқот натижалари алоҳида хўжаликлар ёки бошқа объектлар мисолида олиб борилганда ҳам ҳар бир объектнинг хусусияти ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, натижалар олиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал.

Когон туманидаги фермер хўжаликларидида бир гектарга қилинган ўртача харажат ва фойда (2018 йил)⁸

Харажатлар, минг сўм/га	пахта	ғалла	беда	сабзавот	полиз
Минерал ўғит	1100	1003	570	1075	513
Уруғлик	2800	1100	700	100	996
Иш ҳақи	7133	210	350	3080	937
ЁММ	1622	1106	10392	2243	2755
Бир гектардан олинган фойда	1173	1462	10520	9870	5940

Алмашлаб экишнинг оптимал вариантыни аниқлаш масаласи <https://matworld.ru/> сайтидаги онлайн дастур ёрдамида бажарилди.

Биринчи модел: Хўжаликларда пахта-беда-сабзавот (331 га) экинларини алмашлаб экишни йўлга қўйган тақдирда мақсад функцияси қўйилди ва куйидаги натижага эга бўлинди. Яъни, 163,4 гектарга пахта, 7,12 гектарга беда, 160,4 гектарга сабзавот (карам) экилса хўжаликларнинг максимал фойдаси 1850,0 млн. сўмни ташкил этиши мумкин.

Иккинчи модел: Хўжаликларнинг барча ер майдони, яъни пахта (331 га) ва ғалла (80 га) майдонларидан оптимал фойдаланиш мақсадида беда ва сабзавот экинини ҳам қўшган ҳолда мақсад функцияси тузилди ва натижага кўра, белгиланган майдонларга 290,8 гектарга фақат сабзавот ва 120,2 гектарга ғалла экилса, хўжаликларнинг максимал фойдаси 3045,8 млн.сўм ташкил этади.

Учинчи модел: Алмашлаб экиш схемасига пахта-беда-ғалла-полиз маҳсулотларини қўшган ҳолда мақсад функциясини қўйиб куйидаги натижага эришилди яъни, бу алмашлаб экиш вариантыда максимал фойдага эришиш учун 142,3 гектар майдонга пахта, 107,6 гектарга ғалла, 160,9 гектарга полиз маҳсулотлари экиш талаб этилади. Шунда хўжаликлар 1280,3 млн. сўм фойдага эришиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, 2-вариант энг юқори фойдага эришиш имкониятини яратади. Аммо, Когон кластери пахтачиликка ихтисослашган-лиги боис, пахта-беда-сабзавот экинларини алмашлаб экиши схемаси (3-вариант) максимал фойда олиш учун оптимал вариант саналади.

⁸ Муаллиф ишланмаси

Шунингдек, ҳозир иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, “янги авлод кооперативлари”ни ташкил этиш талаб қилинганлиги боис, кооперация фаолиятининг ривожланган хорижий давлатлардаги тажрибасини ўрганиш натижасида қуйидаги жиҳатларни Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин:

– ташкил этиладиган кооперативларни “янги авлод кооперативлари” тамойилларини ўзида мужассамлаштирган моделда шакллантириш;

– кооперативларни ташкилий, иқтисодий ва молиялаштириш механизмини АҚШ, Литва, Қозоғистон, Болгария ва бошқа давлатлар тажрибасига асосланиш.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигида кооперация шакл ва муносабатларини ривожлантириш асосида фермер хўжаликлари самарадорлигини ошириш йўналишлари”** номли учинчи бобида кўп тармоқли фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилган ва уларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ҳамда фермер хўжаликларида агротуризмни ривожлантириш орқали кооперация муносабатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларида кооперация муносабатларини такомиллаштириш бўйича учта модел ва унинг ташкилий-иқтисодий механизми таклиф этилган.

Биринчи модел. Пахтачилик фермер хўжаликлари таъсисчилиги асосида экин майдонларидан ҳамкорликда фойдаланиш кооперативи. Бу кооперация моделини ҳосилдорлиги ва рентабеллиги паст хўжаликларда қўллаш мақсадга мувофиқ. Унинг намунавий ташкилий тузилмаси 1-расмда ўз аксини топган.

Шунингдек, ушбу моделга асосланган кооперативлар ўз фаолиятларини қуйидаги 3-жадвалда кўрсатиб ўтилган ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларга асосан олиб борадилар.

3-жадвал.

Экин ерларидан ҳамкорликда фойдаланиш йўналишидаги кооператив моделининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари⁹

Ташкилий-ҳуқуқий механизми		Иқтисодий механизми	
Кооператив модели	Анъанавий	Қўшилган қиймат яратиш	Чекланган
Кооперативга кириш	Эркин	Профессионал менежерлар	Йўқ
Аъзо-патронлар	Чекланган	Устав капиталини индивидуал ўзлаштириш	Йўқ
Овоз бериш	Тенглик, яъни, бир аъзо бир овоз.	Устав капиталини шакллантириш	Тенг улушда
Бошқариш тизими	Аъзолар умумий йиғилиши ва кооператив раҳбари	Фойдани тақсимлаш	Экин майдони ва киритган бошқа мулк улушига асосан
Ташқи иштирокчилар	Йўқ	Мулкни қайтариб олиш	Қайтариб олиш мумкин

⁹ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган



1-расм. Экин ерларидан ҳамкорликда фойдаланиш моделига асосланган пахтачилик фермер хўжаликлари кооперативининг намунавий ташкилий тузилмаси (Тавсия)

Бироқ, бу модел кооперативининг асосий муаммоси, Устав капиталини бўлинмас, пай ва захира жамғармаларига тақсимлаш масаласига бориб тақалади. Чунки, республикада фаолият олиб борган собиқ қишлоқ хўжалик кооперативлари Устав капиталини юқоридаги жамғармаларга мос равишда 40; 50 ва 10 фоизлик нисбатларда тақсимлаш белгиланган ва уларга ҳар йилги якуний молиявий натижалар (соф фойда)дан ажратиладиган маблағ миқдорини ўзгартириш ваколати аъзолар умумий йиғилишига берилган эди. Лекин, фикримизча, Устав капиталини бўлинмас, пай ва захира жамғармаларига тақсимлашда алоҳида услубий ёндашув лозим. Шунга асосан, бу тақсимот масаласини ҳал этишда бир неча тартиб (вариант)дан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Масалан, биринчи тартибда “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонун ва унинг ижросини таъминлаш мақсадида тасдиқланган тегишли низом бўйича бўлинмас, пай ва захира жамғармаларига мос равишда 60; 30 ва 10 фоизлик нисбатларда Устав капиталини тақсимлаш ва кооператив соф фойдасидан йил якуни бўйича қанчадан маблағ ажратиш ваколатини аъзоларнинг умумий йиғилишида қолдириш.

Иккинчи тартибга асосан Устав капиталини қайд этилган жамғармаларга биринчи тартибдаги каби нисбатларда тақсимлаш, бироқ, йил якуни бўйича

олинган соф фойдадан уларга айнан шу нисбатларга мос миқдорда маблағлар йўналтириш.

Учинчи тартибга асосан эса кооператив моделида бўлинмас, пай ва захира жамғармалари нисбатини даврий, яъни, кооперативнинг кейинги ривожланиш тенденцияси ва иқтисодий-молиявий кўрсаткичларининг ўзгариш суръатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги 4-жадвалда келтирилган нисбатлар ва йиллар кетма-кетлигида тақсимлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган.

Жумладан, Устав капиталини биринчи уч йиллик даврда таъкидланган жамғармаларга мос равишда 60; 30 ва 10 фоизлик, 4-5-йиллар мобайнида 50; 40 ва 10 фоизлик, 6-йилдан бошлаб эса 40; 50 ва 10 фоизлик нисбатлар бўйича тақсимлаш нафақат кооператив фаолиятини барқарор ривожлантириш, балки унинг пайчи аъзоларининг моддий манфаатдорлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим рол ўйнашини эътироф этиш лозим (4-жадвал).

4-жадвал.

Экин майдонларидан ҳамкорликда фойдаланиш моделига асосланган кооператив Устав капиталини учинчи тартибга асосан тақсимлаш бўйича тавсия¹⁰

Йиллар	Бўлинмас жамғарма	Пай жамғармаси	Захира жамғармаси
1-3 йилларда	60	30	10
4-5 йилларда	50	40	10
6-йилдан бошлаб	40	50	10

Шунинг билан бирга кооперативнинг ҳар ишлаб чиқариш йили бўйича соф фойдасини, биринчидан, юқоридаги жамғармаларга ва, иккинчидан, у ёки бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар ўртасида аъзолар умумий йиғилиши ваколоти доирасида қабул қилинган қарорга мувофиқ тақсимлаш тартибини жорий қилиш яхши самара беради, деб ҳисоблаймиз.

1Б-модел. Экин майдонларидан ҳамкорликда фойдаланиш синергетик (ЭМХФ) моделига асосланган кооператив фаолияти ҳам олдинги кооператив моделида назарда тутилган вазифаларни бажаришга қаратилган.

Экин ерларидан биргаликда фойдаланишнинг бу моделида кооперативга аъзо фермер хўжаликлари ер майдонлари 3 қисмга бўлинади ва унга пахта-ғалла-беда етиштирилишини мўлжаллаб, экинларни алмашлаб экишнинг 7 далали схемаси қўлланилади. Бу модел конструктив ҳисоблаш усули асосида бугунги кунда фаолият юритаётган Когон кластери таркибидаги ҳозирги фермер хўжаликлари (жами ер майдони 411 га) мисолида тажриба (экспремент) тариқасида монографик тадқиқот олиб бордик. Бунда фермер хўжаликлари кўрсаткичлари негизида симплекс методи ёрдамида уч вариантда натижалар олинди.

Жумладан, 1-вариант (модел)¹¹ бўйича 49,3 фоиз майдонли 4 та далада пахта; 44,4 фоиз майдонли 2 та далада сабзаёт экинлари ва 2,2 фоиз майдонли 1 та далада беда экиш схемасини, 2-вариант бўйича 70,7 фоиз майдонга

¹⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

¹¹ 2.3.5-формула

сабзаёт экинлари ва 29,3 фоиз майдонга ғалла, 3-вариант бўйича эса 34,6 фоиз майдонга пахта, 26,1 фоиз майдонга ғалла ва 39,1 фоиз майдонга полиз экинларини жойлаштириш орқали юқори самара олиш имконияти математик моделлаштириш ёрдамида асосланди.

ЭМХФ кооперативининг синергетик фойда ҳажмини баҳолаш учун қуйидаги формулани қўллаш тавсия қилинади, яъни:

$$СФ_{\text{кооп}} = ФХ_{\text{бд}} + АЭ_{\text{ф}} + ГЕ_{\text{ф}} + БҚ_{\text{д}}^{12} \quad (7)$$

Бунда, $СФ_{\text{кооп}}$ – ЭМХФ кооперативини ташкил қилиш натижасида олинган фойда;

$ФХ_{\text{бд}}$ – таққосланаётган даврда, яъни, 15 та фермер хўжаликлари алоҳида фаолият юритган базис даврида олган фойдаларининг жами;

$АЭ_{\text{ф}}$ – алмашлаб экишдан олинган қўшимча фойда;

$ГЕ_{\text{ф}}$ – гўшт етиштиришдан олинган фойда;

$БҚ_{\text{д}}$ – бошқа қўшимча даромадлар.

2-модел. Фермер хўжаликлари ҳамкорлигида ташкил этиладиган пахта-тўқимачилик кооперативи (таркибан ҳосилдорлиги ва рентабеллиги юқори фермер хўжаликларидан иборат). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида махсус қарор қабул қилинди¹³. Ушбу қарорга асосан пахта-тўқимачилик кластерлари мавжуд бўлмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида кооперация муносабатларини ташкил этиш кўзда тутилган. Шу жараёнда, дастлабки босқичда юқори ҳосилли ва рентабелли фермер хўжаликлари ва пахта тозалаш заводи ҳамкорлигидаги пахта-тўқимачилик кооперативларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунинг билан бир қаторда, навбатдаги босқичларда молиявий заиф, ғўза ҳосилдорлиги ва рентабеллиги паст фермер хўжаликларини ҳам шу кооперативлар таркибига жалб қилиш чора-тадбирларига асосий эътибор қаратиш лозим, зеро, кооперативлаштиришнинг бу жараёни келгусида барча фермер хўжаликларининг барқарор ривожланиши учун имконият яратади. Бу кооператив шаклида ҳам, бизнинг таклифимизга кўра, пахтачилик фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларини юқоридаги 1Б моделидаги тартиб-қоидаларга асосан ташкил қилиш лозим.

Умуман, ғўза ҳосилдорлиги 30 ц/га дан ортиқ ва рентабеллиги юқори фермер хўжаликларининг пахта тозалаш заводи негизида пахта-тўқимачилик кооперативини ташкил этиш мақсадида конструктив-ҳисоблаш усули асос қилиб олинди.


Ҳисоб-китобларга қараганда, пахта-тўқимачилик кооперативида пахта толаси ишлаб чиқаришдан бир йилда 26145 минг сўм фойда, ип-калава ишлаб

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сонли Қарори. 06.03.2020 йил. <https://lex.uz/docs/4756994>

чиқаришдан 38808 минг сўм, хом сурп ишлаб чиқаришдан 72072 минг сўм, чойшаб ишлаб чиқаришдан 83160 минг сўм фойда олиш мумкин.

Шунингдек, пахта-тўқимачилик кооперативида пахта толасини ишлаб чиқаришдан 11103 млн. сўм, ип-калава ишлаб чиқаришда 12693 млн. сўм, мато ишлаб чиқаришда 33264 млн. сўм, чойшаб ишлаб чиқаришда эса 11088 млн. сўм қўшилган қиймат яратиш имконияти мавжуд (2-расм).



2-расм. Пахта-тўқимачилик кооперативида маҳсулот турлари бўйича яратиладиган қўшилган қиймат (кутилаётган)¹⁴.

Жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолардан бири уларни ташкил қилиш ва ўзини тиклаб олгунча бўлган даврда молиявий қийинчиликларга дуч келишидир. Шу боис, республикада қишлоқ хўжалик кооперативларини ташкил этишда 1-йили ташкилий харажатларнинг 60 фоизини, 2-йили 30 фоизини ва 3-йили эса 15 фоизиини бюджет ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

